

---

## Таниқли сўз устаси болалар ва уларнинг яқинларига байрамона кайфият улашди

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Гулистон шаҳарчасидаги Марказий маданият уйида таниқли сўз устаси Валижон Шамсиев ҳамда "Лайли ва Мажнун" эстрада гуруҳи иштирокида концерт дастури ташкил этилди.

Бағдод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар масалалари бўйича ўринбосари Қаҳрамон Миртазақулов концерт дастури аввалида сўз олиб, юртимизда амалга оширилаётган кўплаб ислохотлар, эзгу ҳаракатлар замирида фарзандларимизнинг бахту-иқболи, фаровон келажаги мақсад қилиб қўйилганини алоҳида таъкидлади.

Концерт дастурининг асосий меҳмонлари - қизиқчи Валижон Шамсиевнинг ичакузди хангомалари ҳамда "Лайли ва Мажнун" гуруҳи томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар томошабинларга байрамона кайфият улашди.

Туман Маданият ва туризм бўлими бошлиғи Ахроржон Хатамовнинг маълум қилишича, ушбу концер дастури Фарғона вилояти ҳокимининг жорий йил 8 майдаги "Фарғона вилоятида миллий маданиятни янада ривожлаштириш, аҳолининг маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини янада ошириш ҳамда аҳоли ва ёшларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 159-11-0-Q/23-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Концерт дастури томошабинларда ёрқин таассуротлар қолдирди.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2023-06-01 18:31:43